

НАВБАТДАГИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ.

АЖ “Ўз-Донг Вон Ко.” ҚК.

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши 2023 йил 26 июн куни соат 14-00да, Андижон вилояти, Асака шаҳри, Фарғона кўчаси, 57-уйда бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 26 июн куни соат 13:30 да бошланади.

Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган саналар:

- акциядорларга хабар бериш учун 2023 йил 01 июн;
- йиғилишда иштирок этиш учун 2023 йил 20 июн.

Йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилган:

1. Йиғилиш раиси ва котибини сайлаш
2. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
3. Умумий йиғилиш санок комиссиясининг таркиби ва сонини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув Кенгашининг 2022 йил давомида амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тинглаш.
5. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ижро органининг ҳисоботини тинглаш.
6. Жамиятнинг 2022 йил учун бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш.
7. Жамиятнинг 2022-йил фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва 2022-йил 4-чорагидаги аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимлар бўйича хулосасини тинглаш.
8. Жамият фаолиятининг 2022-йил якуни натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўриб чиқиш.
9. 2022-йил учун СМК (самарадорлик муҳим кўрсаткичлари), СЙК (самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) кўрсаткичлари ва фоизларининг тўғри ҳисобланганлигини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивидендларни тўлаш шакли ва муддатларини белгилаш.
11. Жамият корпоратив бошқариш тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
12. Жамиятнинг янги таҳридаги Уставини тасдиқлаш.
13. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
14. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
15. Жамият бош директори ваколатлари муддатини узайтириш масаласини кўриб чиқиш.
16. Жамият ички аудиторининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тинглаш.

17. Жамиятнинг 2023-йил учун ташқи аудиторини ва унинг хизматлари учун тўловнинг максимал миқдорини белгилаш масаласини кўриб чиқиш.

18. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш. Акциядорларнинг умумий йиғилишига қатнашиш учун келадиган вакил белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома ва шахсини тасдиқловчи хужжат билан келиши сўралади.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши билан боғлиқ ахборот ва маълумотлар ваколатли давлат органининг www.openinfo.uz ва жамиятнинг uzdwn.uz веб сайтларига жойлаштирилган.

Изоҳ: Умумий йиғилиш шартидан келиб чиққан ҳолда видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

***“Uz-Dong Won Co.” QK акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши.***